

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил  
7 август,  
жума  
№ 27 (800)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар натижасида ёшлар ва уларнинг ота-оналарида ўқишга ишонч ортди. Ҳужжат топшириш тўлиқ масофавий шаклда амалга оширилгани аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига (ОТМ) бакалаврият босқичига 162 364, магистратурага 10 425 ўрин ажратилган.

Бу йил 91 та ОТМга бакалаврият йўналиши бўйича 1 миллион 484 минг нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлиб, бу ўтган йилгига нисбатан 39 фоиз кўп. Битта ўринига 10,6 та талабгор тўғри келмоқда.

Магистратура йўналишида

72 та таълим даргоҳига 78 минг 720 нафар ёки ўтган йилгига нисбатан 3 баробар кўп ҳужжат топширилган. Умуман, қабул квоталари 2016 йилгига нисбатан 3 маротаба ортган.

Бугунги кунда ўқишга қабул қилиш тестлари қачон, қаерда ва қандай тартибда ўтказилиши ҳамда 2020/2021 ўқув йилида таълим жараёни қандай ташкил этилиши барчани ўйлантирмоқда. Бунга сабаб, табиийки, турмуш тарзимизни ўзгартириб юборган коронавирус пандемияси.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев тақдирот чоғида ушбу омилни ҳисобга олган ҳолда кун тартибидеги масалалар юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, тест имтиҳонларини абитуриентлар ва назоратчилар учун эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш имконини берадиган жойда ўтказиш кераклиги қайд этилди.

Ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермасли-

гини, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага қўзилиб кетишини инобатга олиб, тест синовларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги стадионларда ташкил этишга топшириқ берилди. Бунда имтиҳонлар кунига 2 марта (ҳаво салқин пайтда) ўтказилса, барчасини тахминан 12-14 кунда яқунлаш мумкин.

Мутасадди вазирлик ва идораларга стадионларни тест синовларига пухта тайёрлаш, уларнинг дислокацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари имтиҳонларнинг санасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология хизматининг эпидемиологик вазирлик борасидаги ҳуросасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Тест синовларини шаффоф ҳолда ўтказиш учун, ёшларни ортқча сарсон қилмаслик мақсадида Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, ҳокимликлар, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан зарур чоралар кўрилади.

Таълим жараёнини сифатли ўқув ресурслари билан бойитиш учун салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 25 августга барча 7 минг 200 дан зиёд фан бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг рақамли усулбий таъминотини ва масофавий таълимга мослаштирилган ўқув дастурларини яратиши белгиланди.

Қамада 35 та давлат ОТМларида биринчи курс талабалари учун ўқиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

ЎЗА

Мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичида ноғиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**Қонун ижодкорлиги**

## Янги қонун: ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоясига қаратилган

Давлатимиз раҳбарининг "Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада такомиллаштирди.

Фармонга мувофиқ, ҳукумат томонидан тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида "Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси кизгин баҳс-мунозаралар, тортишувлар асосида 2020



Йил 22 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Бу, ўз навбатида, БМТнинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ҳўш, янги тахрирдаги қонун амалдаги "Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонундан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

(Давоми 3-бетда) ▶

## ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 август куни Жаҳон банки иштирокида "Қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.**

Шу йил 23 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари аграр тармоқда ажратилаётган инвестициялардан тўғри фойдаланиш, юқори натижа берадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги йиғилишда Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, лойиҳаларни ишлаб чиқишда фани ривожлантиришга, илгор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, жалб қилинаётган маблағнинг 87 миллион доллар қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги 10 та илмий-тадқиқот муассасаси, 4 та ихтисослашган марказ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник база-

сини яхшилашга ажратилади.

Шунингдек, 70 миллион доллар кўчатлар етказиб бериш, фитосанитария, геоахборот ва сертификатлаш хизматларини кўрсатадиган агрохизмат марказларини ташкил этишга йўналтирилади. Қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш учун берилган 10 миллион доллар ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги, тўпроқ таркиби таҳлили, зарур минерал ўғитлар тури ва микродри, солиқ, транспорт-логистика ва маҳсулотлар бозорлари ҳақида маълумотлар олиш имкони яратилади.

Йиғилишда сув ҳўжалиги, чорвачилик, карантин, кадастр, молия, солиқ ва бошқа тегишли идоралар маълумотлар базасини ушбу тизимга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида илмий-тадқиқот муассасалари ва ихтисослашган марказларни Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудда жойлаштириб, лаборатория ўсуналари ва техникалар билан таъминлаш, вилоятлардаги қишлоқ ҳўжалиги коллежлари негизида уларнинг филиалларини ташкил этиш ваз-

фаси қўйилди. Ушбу муассасаларни юқори малакали мутахассислар билан тўлдириб, хориждан консультантлар жалб қилиб, уларни ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ва марказ илмий ишланмаларини сотадиган тижорат ташкилотига айланиши зарурлигини таъкидлади.

— Қишлоқ ҳўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак. Пировад маррамиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга мўлжалланган 200 миллион доллар ҳудудлар ўртасида тақсимланган. Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан Фаргона водийси учун қўшимча 54 миллион доллар ҳамда Хоразм вилоятига 100 миллион доллар маблағ ажратилган.

Президент ажратилаётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш,

имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Интенсив боғ майдонларини кенгайтириш 65 миллион доллар йўналтириш белгиланган. Хусусан, бунинг ҳисобидан Тошкент вилоятида 500 гектар, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Самарқандда 300 гектардан, Жиззахда 250 гектар, Қашқадарё ҳамда Сурхондарёда 200 гектардан, Қорақалпоғистонда 100 гектар майдонда янги усулдаги интенсив боғлар яратилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга қисқа муддатда ерларни ажратиб, келгуси йил баҳорда боғларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди.

Яна 65 миллион доллар эвазига замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимлари жалб қилинаётган маблағлар ўзлаштирилиши лойиҳалар кесимида тақдирот қилди ҳамда ишни ташкил қилиш режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

**Тадбир**

## Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро форум арафасида

Шу йил 12-13 август кунлари ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми бўлиб ўтди. Форум ташкилчиси Ўзбекистон Ҳукумати ҳисобланиб, анжуманини ўтказиш масъулияти Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази зиммасига юкланган.

(Давоми 4-бетда) ▶



Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий, самарали даваат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига нисбатан қатъий муроасизлик руҳиятини шакллантириш, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак воғаларга таянмоқда.

Сўнгги уч йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга қаратилган шиддатли ишловлар даври бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.

**Муносабат**

## Судлар фаолияти давр талаблари ва халқаро стандартлар асосида такомиллашди бунда Президентимиз Фармони муҳим дастуриламалдир

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига, янги жамиятнинг стратегик мақсадига айланган бу муҳим вазифани амалга оширишда суд органлари ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шу боис, жамият ҳаётида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг обрў-эътиборини юксалтириш, улар фаолиятига аралашини қатъий таъқиқлаш билан боғлиқ кўп қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 10 дан ортқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Лекан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ баъзи бир муаммо ва тўсиқларнинг борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 20 июль куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кура-

шиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу муаммоларни атрофича таҳлил қилиб, бир қатор амалий тақлиф ва ташаббусларни илгарти сурди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айнан суд амалиётидаги мана шундай камчиликларга барҳам берилишига ҳуқуқий асос бўлади.

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатиде ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, унда белгиланган муҳим вазифалар тўғрисида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Оқлов**

## Юз бермаган жиноий ҳодиса терговчи О.Султоновни айбсиз айбдорга айлантиргани ҳақида

Бу дунёда шундай одамлар ҳам бор: пул, бойлик деб ўзига ўзи ташвиш орттиради. Баъзан бу ташвиш илғиз отиб, мутлақо айбсиз одамнинг тинч, осойишта кечаётган турмушини алғов-галғов қилиши, кутилмаганда ҳаётини мутлақо бошқа ўзанга буриб юбориши ҳам мумкин.

Қизилтепа туман ички ишлар бўлими терговчиси Орифжон Султонов худди шундай ҳолатни бошидан ўтказди. У юз бермаган жиноий ҳодиса туфайли айбсиз айбдорга айланди, уч ярим йил оқланди, ҳақиқат қарор топди, оқланди. Воқеа тафсилотига тўхталадиган бўлсак, гап Фижудовон тумани давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Золотой сатури" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ф.Фармонкуловга (исм-шарифлар ўзгартирилган) бориб такалади. Ф. Фармонкулов 2014 йилнинг баҳорида Маматалим исм-



ли шахсдан "Нексия" русумли автомашина сотиб олади. Уша йилнинг июль-декабрь ойларида йўловчи ташвишга лицензия олиб, аҳолига такси хизмати кўрсатади. 2015 йилнинг апрель ойида Садриддин исмли кишига пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан автомашина 19 миллион 500 минг сўмга сотади.

Аммо орадан уч кун ўтиб, Садриддин автомашина эски эканини рўқач қилиб, пулни қайтаришини талаб қилади. Ф.Фармонкулов олган пулларни сарфлаб қўйганди. Бу гапни эшитган, Садриддин ортига қайтиб кетиб, бир неча кундан сўнг бошқа бир харидорни эргаштириб келади.

Янги харидор Элназар Ҳаққулов пулни тўлаган, Садриддин билан Ф.Фармонкулов ўрта-

сидаги олди-берди барҳам топади.

Э.Ҳаққулов автомашина учун дастлаб 7 миллион 200 минг сўм берганди. Қолган пулларини ҳар ойда бўлиб-бўлиб уч йил давомида тўлаши лозим эди.

Ушанда Э.Ҳаққулов Ф.Фармонкуловдан "Нексия"ни масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан чиқариб, ўзининг номига расмийлаштириб беришни сўрайди.

— Сизга автомашинани уч йил муддатга ижара шартнома-си асосида беряпман, — дея жавоб қилганди Ф.Фармонкулов. — Йўналишда юриш учун лицензия ҳам тайёрлаб бераман. Бу тахлитда такси хизмати кўрсатиш сизга ҳар жиҳатдан афзал.

(Давоми 3-бетда) ▶



лат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш шулар жумласидандир.

Албатта, коррупцияга қарши самарали курашда дунёнинг тараққий этган давлатларининг илгор тажрибасини ўрганиш ва миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутди.

Қуйида ана шундай илгор хорижий тажрибалар хусусида фикр юртамиз.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Муносабат

## Судлар фаолияти давр талаблари ва халқаро стандартлар асосида такомиллашади

бунда Президентимиз Фармони муҳим дастуриламалдир

◀ (Бошланиши 1-бетда)



**Ботир МАТУРОДОВ,**  
Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси, юридик фанлар номзоди.

### СУД ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ТУГАТИЛАДИ

— Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга парламент юқори палатасининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтмоқчиман. Кўмита бевосита одил судловнинг сифати ва шаффофлигини янада ошириш бўйича таҳлиллар олиб бориш ва тақлифлар тайёрлаш, шунингдек, суд тизимини изчил демократлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш нуктаи назардан фаолият юретилади.



**Изатилла ТОЛИБОВ,**  
Судьялар олий мақтаби етакчи мутахассиси, юридик фанлар номзоди.

### БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР СУД АМАЛИЁТИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛЛАРИ НАТИЖАСИДИР

— Мухтарам Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Фармон Янги Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллиги ва холислигига эришиш, уни ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида ўзини оқлаган халқаро стандартларга мослаштиришда амалий аҳамият касб этади.

Шу мақсадда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишдан таъминлашга риоя этилган ҳолда **тарофлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш**, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқишига тўқтинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи **дастлабки эшитув босқичини киритиш** назарда тутилмоқда. Бу тартиб суд амалиётига нима беради, деган табиий савол туғилади. Ушбу институт миллий амалиётда ҳам хорижий тажрибада ҳам, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд назоратини амалга оширишда ўта муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Гап шундаки, суд процессида энг муҳим аҳамиёт касб этадиган институтлардан бири бу — тарофларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш масаласидир. Шубҳасиз, бу институтнинг амалда таъминланиши адолатли қарор чиқаришга асос бўлади. Демак, эндиликда жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳам ўша иш юзасидан қарорларни тортишув тамойиллари риоя этган ҳолда, энг муҳими, **тарофлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади**. Ўз навбатида, бу суд ишини кўраётган судьяга алоҳида масъулият юкляди.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар бугунги кундаги суд амалиёти чуқур таҳлилдан келиб чиққан ҳолда кўйилган.

да иш ҳажмининг асосий ва мақсадсиз ортишига, қолаверса, коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Мухтасар айтганда, Фармон фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд органлари орқали ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга амалий таъсир кўрсатади.



**Азиз ОБИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати раҳбари.

### СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ШАФФОФЛИгини ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТИ ВУЖУДГА КЕЛАДИ

— Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири — сўз эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги муаммолар масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик босқармасининг, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса, матбуот хизматларининг** ташкил этилиши бугунги куннинг энг долзарб талаби бўлган суд органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтдаги амалиётдан келиб чиққан ҳолда айталик керакки, **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик босқармасига ҳам, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасидаги матбуот хизматларига** ҳам жуда катта эҳтиёж бор эди. Сабаби, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмишуви даврида деярли ҳар кунги ёки ҳар соатда медиа маконда юзага келаётган турли хил фикр-мулоҳазаларга тезкорлик билан муносабат билдиришни ҳаётининг ўзи тақозо қилмоқда.

Айниқса, сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, Интернет сайтларида ёки ижтимоий тармоқларда суд ҳокимияти ва судьялар фаолияти билан боғлиқ турфа фикр-мулоҳазалар тарқатилмоқда. Аслида, буни табиий жараён сифатида қабул қилишимиз керак. Очқин, эркин фуқаролик жамиятида худди шундай анъана тақдорлиги туради.

Лекин ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ўз фаолиятига нисбатан айтилаётган фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириши керак. Бунда **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик босқармаси ёки матбуот хизматлари** ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу янги ташкил этилиши назарда тутилган тузилмаларнинг олдида жуда катта масъулиятли вазифалар турганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасидаги **Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик босқармаси ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тизимидаги матбуот хизматлари** ўз фаоли-

ятига масъулият билан ёндашиб, суд тизими ва судьялар фаолиятининг ёритилишидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши керак.

Бунинг учун улар оммавий ахборот воситалари, айниқса, медиамақонда ўзининг тезкорлиги ва қулайлиги билан нуфузи ортиб бораётган электрон ОАВ, жумладан, Интернет сайтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан мустақам алоқани йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги тузилмалар суд ҳокимияти ва жамият ўртасидаги сифатли мулоқотни йўлга қўйиши, кенг жамоатчиликка суд тизимидаги ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиб бериши шарт.



**Худойёр МАМАТОВ,**  
юридик фанлар доктори, профессор.

### ОЛИЙ СУД ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИЙ ТАРКИБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

— Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти бевосита инвестициялар билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, бугунги куннинг пандемия шароитида бу ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам инвестициявий жозибдорликни оширишдан иборат.

Шу боис давлатимиз раҳбари инвесторларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишининг самарали тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эгалигини кўп таъкидлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, бугунги кунда инвесторлар билан боғлиқ низолаҳарни судларда кўришининг алоҳида тизимини яратиш замон талабига айланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатида, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради.

Шунинг учун ушбу Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида **йирик инвесторлар** иштирокидаги инвестициявий низолаҳарни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби — инвестициявий таркиб тузилиши белгилади, унинг зиммасига 20 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган йирик инвесторларнинг ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низолаҳарни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклятилади.

Фармонга мувофиқ, йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа кўйиш тизим судларига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда бошқа кўйиш тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Олий суд тизимида инвестициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низолаҳарнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларида сарсон бўлмасликларини кафолатлайди.

ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низолаҳарнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларида сарсон бўлмасликларини кафолатлайди.



**Сардорбек СОДИКОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси.

### СУДНИНГ АДОЛАТ УЙИГА АЙЛАНИШИГА МУСТАҚАМ ЗАМИН ЯРАТИЛМОҚДА

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг янги даври бошланди.

Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон мана шу демократик ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Фармонда таъкидланганидек, бугунги кундаги суд амалиёти суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришининг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини, замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ, қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Фармонда туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш**;

апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш**;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибда такроран кўриб чиқиш; давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш; прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарофлар мурожаати мавжуд бўлган ҳол-

дагина, суддан қақриб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатирилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш сингари бир қатор муҳим тартиблар киритилиши белгиланмоқда. Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси суднинг адолат уйига айланишига мустақам замин яратилади.



**Умиджон РАСУЛБЕРДИЕВ,**  
Хоразм вилоят маъмурий судининг раиси.

### СУД ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ОРТИҚЧА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

— Мазкур Фармон суд-хуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарофларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизmlарини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда ҳар бир вилоят судида 4 нафардан 15 нафаргача судья фаолият иштирокида қўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини, замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ, қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Фармонда туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибда қайта кўриб чиқиш**;

апелляция тартибда кўриб чиқилган суд қарорларини **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш**;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибда такроран кўриб чиқиш; давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш; прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарофлар мурожаати мавжуд бўлган ҳол-

дагина, суддан қақриб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатирилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш сингари бир қатор муҳим тартиблар киритилиши белгиланмоқда. Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижроси суднинг адолат уйига айланишига мустақам замин яратилади.



**Акмал МИРЗАХОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани судининг судьяси.

### ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИ — РИВОЖЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

— Юқорида ҳамкасбларимиз томонидан тўғри таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 24 июль куни имзоланган мазкур Фармон ривожланган жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири бўлган одил судлов тизимининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши жуда ўринли.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим туманлар иқтисодий судларининг тугатилиши ёки фуқаролик ишлари бўйича баъзи бир туман судларининг, худди шундай жиноят ишлари бўйича бир қатор туманлар судларининг ташкил этилиши кўпга фуқаролар учун қулайлик туғдиради.

Фармон билан прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда, реабилитация асосларига кўра, жиноят ишини тугатиш, тарофлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни қақриб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзгатирилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш назарда тутилмоқда.

Бундай қондаларнинг киритилиши, албатта, суднинг мустақиллигини, тарофларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилни амалда таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Фармон суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришининг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, шунингдек, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимидаги ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш, суд тизимининг шаффофлиги, одил судловнинг самарадорлигини ошириш учун амалга оширилётганини кўриш мумкин.

**Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Авалло, амалдаги қонун 8 боб, 36 моддадан иборат бўлиб, ундаги нормалар бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Шунингдек, ногиронлиқни белгилашдаги тиббий-мехнат эксперт комиссиялар фаолиятидаги камчиликлар, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация ва абилитация қилиш масалалари, уларнинг техник воситалар ва протез-ортопедия буюмларига бўлган ҳуқуқлари амалдаги қонунда акс этмаган.

Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Янги тахрирдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун, биринчи навбатда, айна шундай муаммоларни бартараф этишни кўзда tutади. Шу мақсадда қонун матнида Президент қарор ва фармонлари, ҳуқумат қарорлари ва халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидалар мужассамлаштирилди ва тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилди.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг камситилишига йўл қўймастик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглигини таъминлашдан иборатдир.

Шу асосда янги тахрирдаги қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати, уларнинг шахсий мустақиллиги, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш каби муҳим принциплар алоҳида моддаларда очиб берилди.

Ногиронлиги бўлган шахс — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор, яъни сез-

ги ёки руҳий нуқсонлари мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахсдир.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, бу чекловларнинг ўрнини қоплаш, яъни компенсация қилиш учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият

сларга нисбатан муносабатни ўзгартириш масаласи биринчи ўринга чиқади.

Шундай йўл тутмас эканмиз, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шунингдек, бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан бошқа

Бундан кўзланган мақсад — ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини олиб борувчи давлат бошқаруви органлари ишини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришдир.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг оилага ва оила муҳитига, уй-жойга бўлган ҳуқуқлари аниқ нормаларда очиб берилди.

Қонунга кўра, эндиликда шахсни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан, ўн саккиз ёшга бўлган болаларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш эса, педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Шу муносабат билан республика ҳудудларида педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди.

Қонунда реабилитациянинг барча турлари ва абилитациянинг мақсад ва вазифалари ҳам алоҳида нормаларда баён этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат томонидан кафолатланган барча имтиёзлардан фойдаланиш имкониятини қонуний мустаҳкамлашга қаратилгандир. Шу билан бирга, қонун Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

**Мавлудахон ХУЖАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Қонун ижодкорлиги

Янги қонун: ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоясига қаратилган

ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тенг равишда иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимида.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 800 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қулайлиги таъминланяптими? Афсуски, йўқ.

Айрим ижтимоий инфратузилма объектларида ҳатто ногиронлик арава-часида ҳаракатланаётган шахс учун оддийгина пандуслар ҳам яратилмаган.

Тўғри, амалдаги қонун талабига кўра, бундай ташкилот ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган. Лекин фақат шу билан иш битмайди-да.

Бу ўринда ногиронлиги бўлган шах-

фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласига лоқайд қарашда давом этаверамиз.

Оқибатда эса, бундай инсонлар ногирон бўлгани сабабли эмас, аксинча, мавжуд тўсиқлар туфайли жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этолмайдилар.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган бир пайтда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Шунингдек, қонунда Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идораларо комиссиянинг ташкил қилиниши ва ушбу комиссия таркибига ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакилларининг ҳам киритилиши белгилаб қўйилди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушанда Э.Ҳаққуловга бу тақлиф маъқул тушган ва у раҳмат айтиб автомашинани уйига олиб кетганди. У Ф.Фармонкулов билан келишувга кўра, яна 2 миллион 500 минг сўмга "Нексия"ни таъмирлатади. Лицензия олиб бериши учун Ф.Фармонкуловга 700 минг сўм ҳам беради.

Аммо кейинчалик Э.Ҳаққулов соғлиғи панд бериб автомашинани бошқара олмайди. Шу боис у "Нексия"ни сотишга қарор қилади. Бу хабарни эшитган фуқаролар А.Панжиров билан И.Шоназаров "Нексия"ни ижарага беришни сўраб келишади.

— Ҳар ойда сизга 600 минг сўм ижара пули берамиз ва банкдан олган кредит маблағингизни ҳам ўзимиз ёпамиз, — ваъда қилишади улар.

Афсуски, Али билан Исмоил ваъдасида турмайди. Э.Ҳаққуловга ижара пули тўлаш у ёқда турсин, қорасини кўрсатмай қочиб кетишади.

Орадан кўп ўтмай ички ишлар идоралари ходимларининг саъй-ҳаракати билан автомашина бир кишининг ҳовлисида топилди. У йигирма икки турдаги эҳтиёт қисмлари ечиб олиниб, ташлаб кетилганди.

Автомашина учун дастлабки тўлов, таъмирлаш ва лицензия варақаси олиш учун Э.Ҳаққулов ўн миллион сўмдан ортқ харажат қилганидан юқорида ўзингиз воқиф бўлгандингиз. У жарима майдонига вақтинча келтириб қўйилган автомашинани сотиш ниятида харидор олиб боради. Харидор Ф.Фармонкулов томонидан тайёрлаб берилган лицензия варақасини кўриб, "бу ҳақиқийга ўшамайди, текширтириб кўринг" дейди.

Рост экан, лицензия варақаси қалбаки бўлиб чиқади. Шундан сўнг Э.Ҳаққулов билан Ф.Фармонкулов ўртасида даҳанаки жанг бошланади. Ф.Фармонкулов анча қув одам эди. У носоз "Нексия"ни уйига келтириб қўйди. Бу эса, Э.Ҳаққуловнинг баттар тўнини тескари қийишига сабаб бўлади.

Э.Ҳаққулов Ф.Фармонкуловнинг қалбаки лицензия ҳолати юзасидан Бош прокуратуранинг "Ишонч" телефонига мурожаат қилади. Мурожаат бўйича тўпланган ҳужжатлар ўрганиш, қонуний қарор қабул қилиш учун туман ички ишлар бўлими тергов бўлини маси терговчиси Орифжон Султоновга берилди.

Еш терговчи О.Султонов 2016 йилнинг май ойида Ф.Фармонкуловга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тушиб, тергов ҳаракатлари олиб боради.

Тергов натижаси бўйича Ф.Фармонкуловга Жиноят кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилгани бўйича сўроқ қилиб, эҳтиёт чораси тайинланди ва 27 июнь кун и айблов хулосаси тузиб, уни тасдиқлаш учун туман прокуратура юборди.

Бу пайтда "Нексия" автома-

Оқлов

Юз бермаган жиноий ҳодиса

терговчи О.Султоновни айбсиз айбдорга айлантиргани ҳақида

шинаси жарима майдонига қўйилган, Ф.Фармонкуловга нисбатан айблов прокурор томонидан тасдиқланиб, жиноят иши судга ўтказилганди.

Худди шундай кунларнинг бирида Ф.Фармонкулов О.Султоновга кўнғироқ қилади. Ўзи раҳбарлик қилаётган масъулият чекланган жамияти ҳисобидаги "Нексия"ни жарима майдонидан чиқариб, йигирма икки турдаги эҳтиёт қисмларини топишни хал қилиб беришни сўрайди.

— Энди бунинг иложи йўқ, — жавоб қилади О.Султонов. — Жиноят иши судга ўтказилган.

Ўзини муқаррар жазо кутаётганидан бесаранжом Ф.Фармонкулов Э.Ҳаққуловга кўнғироқ қилади: "пулингизни бераман, автомашинани менга қайтаринг".

Э.Ҳаққулов унинг гапига ишонади. Чунки дастлабки тергов чоғида у Ф.Фармонкулов бир минг АҚШ доллари бера, ўзaro келишувга рози эканини айтганди.

Аммо Ф.Фармонкуловнинг гапи ёлгон экан. Орадан бир неча кун ўтгач, у пулни қайтарти туғул, Э.Ҳаққуловнинг кўнғироқларига жавоб ҳам бермай қўйди.

2016 йилнинг 7 июль кун О.Султоновни биринчи ўрин босар С.Валиев хонасига қайриб қолади.

О.Султонов С.Валиевнинг хонасига кирганда, Ф.Фармонкулов билан Э.Ҳаққулов ҳам шу ерда ўтиришганди.

— Булар ўзaro келишган экан, — дейди С.Валиев, — Ф.Фармонкулов пул берадиган, Э.Ҳаққулов пулни оладиган бўлибди, уларни ўзaro яраштираиб, чиқариб юборинг.

Улар С.Валиевнинг хонасидан чиққач, Ф.Фармонкулов гап-лаги гапни айтди:

— Мен Э.Ҳаққуловга ишонмайман, — дейди у. — Пулни сизга бераман, сиз ҳужжатлаштириб олинг.

Терговчи О.Султонов жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тугагани, иш судга ўтказилгани боис бундай қилишга ҳақи йўқ эканини айтди. Ф.Фармонкулов эса, битта гапда туриб олади: "унда бермайман".

Кискаси, охир-оқибат О.Султонов компьютерда: "Ф.Фармонкуловдан фуқаро Э.Ҳаққуловдан бўлган 8 миллион 500 минг сўм қарздорлиги ҳисобидан 100 купорадаги 10 дона, жами 1000 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар ҳужжатлаштириб олинди", деган мазмунда баённома тузади. Сўнг баённомани иккаласига имзолаптиб, Ф.Фармонкуловга пуллари Э.Ҳаққуловга беришни айтди.

Шунда Ф.Фармонкулов яна ўша эски гапни такрорлайди: "Мен пулни Э.Ҳаққуловга ишон-

майман". Шундай деб у пуллари стонинг устига қўяди. Кейин Э.Ҳаққулов пулни санайди, 1 минг АҚШ доллари эканлигини айтиб, уни яна жойига қўяди.

О.Султонов пулни конвертга солиб, олимайти ва иккаласига имзолапти ва ҳар иккаласидан тилхат ёздирди олади. Шундан сўнг терговчи пул солинган конверт, тилхат ва баённомаларни олиб, улар билан бирга С.Валиевнинг хонасига боради. Аммо бошқикнинг биринчи ўринбосари каергадир қичиб кетган экан.

Буни кўриб, О.Султонов ноилож жиноят қидирув бўлими бошлиғи А.Қодиркуловнинг хизмат хонасига қиради. Бу пайтда Ф.Фармонкулов билан Э.Ҳаққулов навбатчилик қисми эшиги олдида қолганди.

Айни шу дамда кутилмаганда, А.Қодиркуловнинг хизмат хонасига фуқаролик кийимидagi кишилар кириб келади. Улар ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари деб таништиригач, "Терговчи ким?" — деб сўрашади.

Хуллас, О.Султонов жабрланувчи Ф.Фармонкуловнинг ишонига кириб, унинг пуллари фибрибгарлик йўли билан қўлга киритилганди. — Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, ҳисга олинди.

Терговчи О.Султоновнинг бошига бу кўргуликларнинг тушишига асосий сабабчи Ф.Фармонкулов эди. Чунки Ф.Фармонкулов қалбаки лицензия варақаси тайёрлаб бергани учун талвасига тушади. Аслида Э.Ҳаққуловдан автомашинани қайтаришни сўраган ва пуллари беришни айтган ҳам унинг ўзи. Лекин Ф.Фармонкулов қонун доирасида иш тутаетган О.Султоновнинг ҳаракатларини ўзича ноқонуний деб ҳисоблайди.

Ф.Фармонкулов вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига бориб, иш ҳолатини айтилади ва қўл телефонига ёзиб олинган терговчи билан сўхбатни тақдим этади. Сўхбатда Э.Ҳаққуловга берилиши керак бўлган 1 минг АҚШ доллари тилга қилинганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари компьютерда унинг номидан ариза ёзиб, имзо қўйдиришади.

Ф.Фармонкуловга овоз ёзиш диктофони билан бирга минг АҚШ доллари берилади. Ф.Фармонкуловнинг "Мен Элназарга ишонмайман, пулни сизнома бераман, пулни мендан ҳужжатлаштириб олинг" дея қайта-қайта жавраши замиридаги асосий мақсад ана шу эди.

О.Султонов терговда ҳам, биринчи босқич судида ҳам айбига иқроорлик билдирмай-



Лицензия

ди. Ўтказилган тазйик туфайли ярашув тўғрисида ариза ёзишга мажбур бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 15 ноябрдаги очик суд мажлисида биринчи босқич судининг 2016 йил 25 октябрдаги О.Султоновга нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилинди. Мазкур жиноят иши биринчи босқич судида бошқа таркибда қўриш учун юборилди.

Судда жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, жиноят иши ҳужжатлари ўрганиб чиқилди, мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо берилди.

— Мен 2016 йилда Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси суриштирув бўлими суриштирувчиси вазифасида ишлаганман, — деди судда қўришчи гувоҳ Б.Хонкелдиев. — Тезкор тадбирда қатнашганман. О.Султоновдан нима мақсадда пул олганини сўраганимизда, у Ф.Фармонкулов Э.Ҳаққуловга пуллари ўзи унга бермагани, пуллари мендан ҳужжатлаштириб олинг, деб айтгани сабабли баённома ва тилхат ёздириб олганини айтиб, ёнидаги конверт, баённома ва тилхатларни тақдим қилган эди.

Б.Хонкелдиевнинг айтишича, Ф.Фармонкуловга ҳолисар иштирокида баённома асосида берилган овоз ёзиш мосла-масининг тақдирини нима бўлгани билмайди.

— Терговчи О.Султоновдан ўшанда тушунтириш хати ёздириб олгандик, — деди Б.Хонкелдиев. — У тушунтириш хатида конвертдаги пулни Ф.Фармонкуловнинг номига ёзилган рухсатномага имзо қўйдирганимдан сўнг Э.Ҳаққуловга бериб юбормоқчи эдим. Аммо тадбир ўтказилганлиги сабабли пулни Э.Ҳаққуловга бера олмадим. Пуллари қўлга киритиш ниятим ва мақсадим йўқ эди, деб ёзиб берганди.

Кўшимча гувоҳ А.Қодиркуловнинг судда кўрсатма беришича, О.Султонов ўша кун ишнинг хизмат хонасига Ф.Фармонкуловнинг рухсатномасига имзо қўйдирш учун кирган. О.Султонов Ф.Фармонкулов билан Э.Ҳаққулов кутиб турганини, Э.Ҳаққуловга пуллари олиб бериш учун олганини айтган.

Шунингдек, у тезкор тадбир

иштирокчиларидан бири иккинчидан "диктофон" нима бўлди, деб сўраганини, сўхбатдоши унга "эшитиб кўрдик, унда терговчи пул сўрагани тўғрисидаги сўзлар йўқ экан, "диктофон"нинг кераги йўқ" деб айтганини эшитган. О.Султоновга нисбатан жиноят иши кўзга тутилган. А.Қодиркуловнинг терговга қақришмаган.

— Ф.Фармонкулов менга бериши керак бўлган пулни терговчи пора сўрапти деб ариза берган экан, — деди судда гувоҳ Э.Ҳаққулов. — Тезкор тадбир-иштирокчилари мёң билан алоҳида хонада гаплашмишди. Менга "терговчи О.Султоновнинг ўзи пул сўраган эди, олган пуллари менга бермасди" деган мазмунда кўрсатма бераман дейишди.

Суд О.Султоновнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ, деган хулосага келди. Чунки Ф.Фармонкулов Э.Ҳаққуловга автомашина учун бериши лозим бўлган пул ваззига 1 минг АҚШ доллари терговчи О.Султонов улар иккаласининг иштирокида баённома тузиб, пуллари Э.Ҳаққуловга бериш мақсадида олган.

Иш ҳужжатларига кўра, 2016 йил 7 июль кун иш хулосалар иштирокида Ф.Фармонкуловга терговчи О.Султонов билан ўрта-ларида бўлиб ўтадиган сўхбатни ёзиб олиш мақсадида "Philips" маркали овоз ёзиш мосламаси — "диктофон" топширилганлиги тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Бирок суриштирув ва тергов органи томонидан тезкор тадбир ўтказилган кун Ф.Фармонкуловга берилган ушбу "диктофон" тегишли тартибда ҳолисар иштирокида олинмаган ва уни эшитиб кўриш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, иш ҳужжатларига қўшилмаган.

Қонун талабига кўра, судла-нувчининг жиноят содир этишдаги айби фақат суд муҳока-маси давомида исбот қилинган далилларга асосланиши лозим. Аммо О.Султоновнинг Ф.Фармонкулов мулкни фибрибгарлик йўли билан қўлга киритишдаги айби бирон-бир объектив далиллар билан исботланмаган.

Суд судланувчи О.Султоновни Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топди. Жиноят иши бўйича жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли О.Султонов Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1-бандига асосан, реабилитация қилинди ва оқланди.

Сўнгги сўзга ўтхалганда, кўнғилдан ҳар кимга яратганнинг ўзи инсоф берсин, деган фикр кечади. Ўзгалар тавшиши ортидан айбсиз одамни айбдорга айлантириш оғир гуноҳ. Гуноҳ ишининг жазосидан эса, қочиб қутулиб бўлмайди.

**Шерзод МАМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси

**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

Глобал муаммо

Коррупцияга қарши курашда Сингапур тажрибаси:

инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни бартараф қилишдан иборат

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маълумки, Нидерландия дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига кирди. Мазкур давлатда коррупцияга қарши кураш тизими куйидагиларни ўз ичига олади. Коррупция ҳолати аниқлангач, коррупциявий ҳаракатнинг оқибатлари муҳокама қилинади ва уларга қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Ички ишлар вазирлиги ҳар йили коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Мамлакатда коррупциявий ҳолатлар юзга келиши мумкин бўлган "нуқта"ларни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Шунингдек, расмий ахлоқ қоидаларининг бузилиши учун жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган.

Коррупциявий ҳаракатлар учун асосий жазо — давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлишдир. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланилади.

Энг муҳим ташкилотларда, хусусан, вазирликларда: — ички хавфсизлик хизмати мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси амалдорларнинг хатосини аниқлаш, уларнинг қоидаларни қасддан ёки тасодифан бузилиши ўрганиш ҳисобланади; — коррупция содир этиши мумкин бўлган лавозимларга шахсларни танлаш тизими яратилган; — Миллий хавфсизлик тизими тегишли бўлмаган, коррупцияга оид барча материаллар оммага эълон қилинади; — коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги тизими яратилган ва у коррупцияни аниқлаш учун катта ваколатларга эга; — барча даражадаги мансабдор шахслар ўзларига маънабдор бўлган коррупцияни руй-хатта олишлари шарт, бу маълумотлар ички ишлар ва азият вазирликларига юборилади; — коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Чунки улар коррупция ҳолатларини фош этади ва улар ҳақида суриштирув олиб боради.

Сингапурда эса, коррупцияга қарши кураш асосий йўналиши бўлган махсус орган мавжуд. У Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси деб аталади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторда коррупциянинг олди олинишини ўрганади.

Бюро ҳукумат амалдорлари мансабини суистеъмол қилган ҳолатларни текширади ва тегишли органларга зарур чораларни кўриш учун хабар қилади. Бюро бошқарув тизимидаги камчиликларни аниқлаш учун давлат органлари иш усуллари ўрганади.

Агар бундай бўшлиқлар коррупцияга ва суистеъмолчиликка олиб келиши мумкин бўлса, Бюро ушбу бўлимлар раҳбарларига чора кўришни тавсия қилади.

Сингапур давлати коррупцияга қарши сиёсатининг асосий гоёси "инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни бартараф қилиш" дан иборат.

Бунга бир қатор тамойиллар орқали эришилади:

1) давлат хизматчиларининг иш ҳақини хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан тенглаштириш;

2) давлат органлари мансабдорларининг мулк, активлари ва қарзлари бўйича йиллик ҳисоботларини назорат қилиш. Хусусан, прокурор коррупцияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк ҳисоб рақамларини, акцияларини текширишга ҳақли;

3) юқори лавозимдаги мансабдорларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш;

4) иқтисодий ривожланишда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш. Германияда муайян функциялардан қатъи назар, давлат хизматчилари ўз вазифаларини бутун жамият манфафати учун ҳолис ва адолатли бажариши шарт.

Мазкур мамлакатда коррупцияга қарши

# Самимий инсон, қалби пок судья эди

Шафқатсиз ўлим орамаздан самимий инсон, садоқатли дўст, тажрибали ҳуқуқшунос жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси Хайриддин Шермухамедовни олиб кетди.

1967 йил Тошкент вилоятининг Тошкент туманида туғилган Х.Шермухамедов ҳаёт машаққатлари, турмуш қийинчиликларига тобланиб вояга етди. Хайриддин ҳали ўрта мактабни тугатмай туриб, отаси 38 ёшида вафот этади. Шу кундан бошлаб, оилада онаси ва укаларига суяниқ бўлиш, ота ўрнини босиб Хайриддиннинг зиммасига тушади. У меҳнат фаолиятини оддий ишчилардан бошлаб, 1988 йилдан буён суд тизимида турли лавозимларда фаолият юритиб келди. У қаерда ва қандай лавозимда фаолият юритмасин, ўзининг интилувчанлиги, фидойилиги ва самимий фазилатлари билан жамоадошлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонди.

Айниқса, қарийб йигирма йил давомида судьялик синга-ри ўта масъулиятли ва ша-рафли касбда ибратли фао-лият юритгани унинг ўз ичи-га садоқати, масъулиятни чу-қур ҳис этиши, ҳалоллик ва тўғрилик хислатларига эга экан-лини яққол кўрсатиб туради. Аслида ҳам, тажрибали ҳуқуқ-шунос, қалби пок судья сифа-тида ҳар бир ишга, аввало, қонун ва адолат нуқтаи наза-ридан ёндашиш, ҳаётда ҳақи-қатни қарор топтириш, турли хил иллатларга нисбатан му-росасиз муносабатда бўлиш, севган касбини кўз қорачи-дек асраб-авайлаш, умуман айтганда, ҳаётимизнинг тинч-тотувлиги, софлиги учун тур-лаш Х.Шермухамедовнинг умри мезонига айланган эди.

Х.Шермухамедов оилада меҳрибон ота сифатида 3 на-фар ширин-шакар қизларини оқила, илмли ва одобли қи-либ тарбиялаётган эди.



Малакали ҳуқуқшунос айнан судья деган юксак мақомга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиш-га интилиши, адолатпарвар ва ҳақўйлиги билан нафакат судьялар корпуси, балки кенг жамоатчилик ўртасида ҳам кат-та обрў-эътибор қозонган эди. Х.Шермухамедовнинг 2020 йил 31 июл, Қурбон ҳайити куни вафот этишида ҳам чуқур ҳи-мат бордек туюлади. Тажрибали судья, самимий инсон Х.Шермухамедовнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

# Орзу-умидлари бир олам эди...

Бахтиёржон Мукадиров қарийб ўн йилдан буён суд тизимида, ар-хив ишлари соҳасида фаолият юритиб келаётган эди. У зимма-сига юклатилган вазифаларга ҳа-миша масъулият билан қарар, кас-бига меҳри баландлиги, интилув-чан ва фидойилиги, камтарин ва самимий фазилатлари билан Олий суд жамоасида обрў-эътибор қозонган эди.

Бахтиёржон тўғрисида, иш-га, хусусан, касб сир-синоатлари-га масъулият билан ёндашиши, иқтидор билан ажралиб тура-ди. Унинг дўстларига жўшқин меҳ-ри ва садоқати, ҳеч кимга қўлидан келган ёрдами аямаслигини кўпчиликка ибрат қилиб кўрсат-са, арзирди. Айниқса, у келажакка кат-та ишонч ва умид билан қарар, меҳрибон ва ғамхўр ота сифатида оилада икки нафар шириндан-ширин қизларини тарбиялаб воя-га етказётган эди. Шу билан бир-га ўзининг билим ва малакаси-



ни янада ошириш мақсадида олийгоҳда сирдан таҳсил олаёт-ган эди. Бир сўз билан айтганда, ҳали унинг орзу-умидлари бир олам эди. Афуски, Бешафқат ўлим Ўз-бекистон Республикаси Олий суди архив мудри камтарин ва самимий инсон Бахтиёржон Мука-дировни орамаздан бевақт олиб кетди.

Бахтиёржон Мукадировнинг ёрқин хотираси қалбимизда сақ-ланиб қолади. Олий суд жамоаси

### ◀ (Бошланиш 1-бетда)

Видеоконференция шаклида ўтказиладиган ушбу форум инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қара-тилган иккинчи халқаро анжумандир. "Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми" деб номланган биринчи халқаро анжуман 2018 йил 22-23 ноябрь кун-лари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган эди.

Унинг иштирокчилари томонидан Инсон ҳуқуқла-ри бўйича Самарқанд дек-ларацияси қабул қи-линг. Мазкур Декларацияни Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти Бош

Миллий марказининг рас-мий (http://insonhuquqlari.uz/) сайти-да жойлаштирилган.

Шуни ҳам қайд этиш ке-ракки, институционал си-ёсий жараёнларда ва си-ёсат соҳасида ёшларнинг шахсан ёки вакиллари орқали иштироки, дунё миқёсида бошқа ёш тои-фалари билан ўзаро қиёс-лаганда, қуйи даражада-лигича қолмоқда. Ёш ав-лод вакиллари сиёсий ин-ститутларда, хусусан, пар-ламент, сиёсий партиялар ва давлат бошқаруви органларида зарур дара-жада ўз вакилларига эга эмас.

Бу, ўз навбатида, ёш-ларнинг расмий тузилма-

### Табдир

## Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро форум арафасида

Ассамблеяси 2019 йил 6 февралда БМТ 73-сессия-сининг ҳужжати сифатида тасдиқлаган.

Осиё Форуми якунида мазкур халқаро анжуман-нинг муҳимлиги ва зарур-лигини ҳисобга олган ҳолда, уни ҳар икки йилда бир марта мунтазам равиш-да ўтказиб туриш ҳақида келишиб олинган.

Бу галги Самарқанд Форумининг асосий мақ-сади — ёшлар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш ва рағ-батлантиришга тааллуқли мавжуд халқаро анжуман-нинг минтақавий механизм-ларни таҳлил қилишдан иборат. Мунозаралар жа-раёнида ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатларни та-комиллаштириш имко-ниятлари ҳам кўриб чиқи-лади.

Кун тартибига, шунинг-дек, БМТ Барқарор ривож-ланиш мақсадлари ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйи-ча бутунжаҳон дастурини амалга оширишда ёшлар-нинг ўрни масаласи кири-тилган. Шу билан бирга, ёшлар ҳуқуқларини таъ-минлашдаги энг муҳим муаммолар муҳокама қи-линиши кутилмоқда.

Самарқанд Форумида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойи-ҳаси биринчи марта жа-ҳоннинг етакчи экс-пертлари муҳокамаи учун тақдим қилинади. Ушбу Конвенция лойиҳаси Ўзбе-кистон Республикаси Пре-зиденти Шавкат Мирзиё-евнинг БМТ Бош Ассам-блеясининг 72-сессиясида-ги тақлифига мувофиқ тайёрланган.

Конвенция — том маъ-нодаги янги ҳужжат бў-либ, унда ёшларнинг ҳо-лирига эътибор қилиниши зарур бўлган ўзига хос ҳуқуқлари ўз аксини топ-ган. Бу халқаро ҳужжат-нинг қабул қилиниши жа-ҳондаги барча давлатлар томонидан ёшлар масала-ларига бўлган эътиборни тубдан кучайтиради. Ёш-ларнинг алоҳида ҳуқуқла-рига жиддий эътибор қаратилиши, ўз нав-батида, навиқрон авлод вакилларига манзилли кўмак кўрсатишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйи-ча конвенция лойиҳаси ўзбек, рус ва инглиз тил-ларида муҳокама учун фо-румнинг расмий сайти (http://www.asianforum.uz/) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

лар, сайлов жараёнлари, етакчилар ва сиёсатчилар-дан узоқлашишига ҳамда уларга нисбатан ишонч-сизлиги ортишига олиб келади. Ёшларнинг, ай-ниқса, сиёсий жараёнлар-да иштирок этишини таъ-минлаш йўлидаги асосий муаммолардан бири — ҳуқуқий тўсиқлардир. Дав-лат лавозимларини эгал-лаш учун интилаётган ёшлар ақсар ҳолларда ана шундай голварга дучор бўлмоқда.

Дунё миқёсида олиб қаралса, 30 ёшгача бўлган парламент аъзоларининг сони атиги салкам 2,2 фоизни ташкил этади. Парламентларо итти-фоқ маълумотларига кўра, ҳақон мамлакатлари пар-ламентлари таркибида ёшлар вакиллари ётарли мийқдорда эмаслигининг муайян сабаблари мав-жуд.

Аваллабор, давлат ла-возимларида ишлаш учун талаб этиладиган энг ки-чи ёш ақсарият ҳолларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишнинг энг кичик ёшига нисбатан анча юқо-ридир. Бунинг оқибатида ёшлар тегишли давлат мансабларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлиши 25, 35 ёки баъзи ҳолларда 45 ёшгача куттишларига тўғри келади.

Бундай ҳолат дунё пар-ламентларининг юқорига палаталарига кўпроқ таал-луқлидир. Чунки бу лаво-зимларга сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун имкон қадар юқори ёш чекловлари ўрнатилган.

Шу кунгача Самарқанд Форумида иштирок этиш учун Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислон Ҳамкор-лик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Африка Иттифоқи тизи-мидаги ёшлар тузилмала-ри раҳбарлари, диплома-тик корпус вакиллари, ин-сон ҳуқуқлари бўйича хал-қаро, минтақавий ва мил-лий институтлар, фуқаро-лик жамияти институтла-ри, ёшлар ташкилотлари вакиллари, олимлар ва экспертлар, жами 300 дан ортиқ киши ихтиёр бил-дирган.

Табдирда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати ва Қонунчи-лик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари бўйича агентлик, ёшлар ташкилотлари ва-киллари ҳам фаол ишти-рок этиши кутилмоқда. **Ф. МИРЗАЕВ**

### ◀ (Бошланиш 3-бетда)

У тўй арафаси уйдан кетишга қарор қилганини гарчи яқинларидан сир тут-ган эса-да, бу ҳақдаги ниятини баъзи етти ёт бегоналарга аллақачон маълум қилган эди.

Тошкентда уни айна шу кимсалар ку-тиб олди. У ва шериклари вақтни бе-кор ўтказишмади. Йўл ҳозирлигини кўришди ва орадан бир неча кун ўтгач, уч киши бўлиб, қўшни Тожикистон сари отланишди. Гоҳо автоулолда, қўпича эса, пойи-пиёда юришди. Кундузи пана-лаб, тунда ҳарақатланишди ва ниҳоят, қўшни республиканинг Хойт қишло-ғидан кўним топди.

Азамат бу ерда ҳам бекорчиликни бир четга сурди, гапга чечанлик қобилияти-ни намойиш этди. Ҳеч иккиланмай "Тур-кистон", кейинчалик эса, "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб номланган диний экстремизм ва террорчилик ташкилоти сафига қўшилди. Бу бузғунчи ташкилот раҳнамолари унга "Хузайфа" лақабини беришди ва 2000 йили етарлича ҳар-бий ҳамда диний бузғунчиликка қара-тилган таълимдан сўнг уруш ва зўравон-лик олови тобора зўрайётган Афғонис-тон заминига йўллашди.

Улар Кундуз шаҳрига етиб келишди. Бу ерда қонуний ҳокимиятга қарши қуролли жанг олиб бораётган "Толи-бон" ҳаракати фаоллари уларни кутиб олишди, кийим-кечак, озиқ-овқат бил-ан таъминлаб, анча вақтдан буён но-тинч ва беҳаловат турмуш домида қолиб келаётган Мозори Шариф шаҳ-рига элтди.

Азамат бу ерда ушбу кўпоровчилик ташкилотининг "Тарғибот" гуруҳига қў-шилди. Видеотасвирчилик бобида билим ва малакага эга эканини билдир-гач, зиммасига айна шу вазифани юк-лашди.

Шу тариқа Азамат Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний каби бузғунчи "амир-уламо"ларнинг яқин ҳамроҳи ва дастё-рига айланди. Уларнинг нопок қадами, бузғунчи маъруза ва нутқларига дахл-дор воқеалар тафсилоти акс этган юз-лаб видео тасвирлар, ҳужжатли филь-мларни суратга олди. Айюҳаннос со-лишдан иборат бундай сохта ва ёлғон-яшиқ видео тасма-тасвирлар араб, форс тилларида тарқатилди.

Жанг манзараларидан бирини тас-вирга тушириш чоғи оғир яранди, ле-кин ўз раҳнамосининг ғамхўрлиги бил-ан яна оёққа турди. Тузалиши билан тагин жанг майдонига отланди. Тоҳир Йўлдошнинг кўрсатмасига му-вофиқ, эри жангда ҳалок бўлган хоразм-лик аёл И.Оллобергановани шаърий йўл билан унга никоҳлаб беришди. Бу оила бир муддат кўшни Покстонда яшади. Бироқ турмушнинг бу янглиғ тотли да-млари омонат бўлиб қолди. Бир ҳовуч бу-зғунчи тўдани бошқарган Ж.Наманго-ний, Т.Йўлдош сингари каллакесарлар ёт элда эт ўлимини топишди.

Афғонистон ва Покстон заминидеа уруш оловини ёқувчилар уясига сув қуй-илди. Бу юртлар пировардида Ватан-га қуролли ҳамла қилишни мўлжаллаган жангари-хонларга торлик қилди. Улар-дан кўпчилиги илоннинг имини минг тан-гага кира қилганча, баъзи форс ҳамда араб давлатларидан паноҳ излашди.

Бундай шум тақдир ва қисмат "уйи-ни"га Азамат ҳамда унинг шўрпешона аёли ҳамда фарзандлари ҳам дуч келишди. Ўз раҳнамоларидан жудо бўлиб, умидсизлик исканжасида қолган Азамат "ҳаракат"нинг янги раҳбарларидан кў-

лини ювиб, қўлтигига урди, пайтини пойлаганча бу ёт элни тарк этди.

Унинг оиласи Эрондан бошлана топ-ди. Мазкур мамлакатнинг гоҳо у, гоҳо бу ҳудудда қочқин ва муҳожир мақомида тирикчилик қилди, пайти келганида эса, Ватанга қайтиш илнини қўшни Озар-байжонга туташ Остара шаҳрига ҳам мўралади, бир неча ҳафта мобайнида оиласи билан сарҳаддаги шаҳарда омон-натгина кун кечирди.

Айтишича, сарҳаддан ўтиш имкони топилмагач, ортига қайтган.

Афсуски, туғилиб ўсган диёр энди унга ёт. У ўз бағрини ватандуш-хоин-ларга очмайди, очолмайди. Бундай қил-мишга қўл урган кимса, авваллабор, суд олдида ўз кирдикорлари ҳисобини бер-

ортига қайтаришди. Ёт элга қайтган му-ҳожир яна қочқоқлар лагерига тушди.

Бир неча ҳафтадан сўнг унга қўшни Туркияга ўтиб яшаши мумкинлигини расман тушунтиришди. У таклифни қа-бул қилди. Оила қарийб 15 йиллик сар-сон-саргардонликдан сўнг ниҳоят турк-лар заминига етиб келди. Азамат бу ер-да ҳам юртига қайтиш истагиндан воз кечмади. Ўзбекистоннинг Туркиядаги ваколатхоналарига кечирим сўраб, пу-шаймонлик аризаси билан мурожаат қилди. Ва ниҳоят...

...2019 йил. Қишининг дастлабки ойи. Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси Азаматнинг бир неча бор қилган муро-жаатига жавоб қайтарди. Юртига қай-тиши мумкинлигини билдирди. Айни



### «Кимки жафо қилса, жафо топқусидир» ҳикматининг ҳаётийлиги ҳақида аччиқ қисса

моғи даркор. Тоҳир Йўлдош ва у бош-чилик қилган қуролли гуруҳ гумаштаси — видеотасвирчи Азамат томонидан амалга оширилган қилмиш эса, анча оғир: унга нисбатан Ватани олдидаги жиноятлари, ўзга юртлар аҳолиси, дав-лат ҳокимияти органларига қарши олиб борилган жанг ҳаракатларида фаол иш-тирок этгани учун ҳали 2007 йилдаёқ Ўзбекистонда жиноят иши очилиб, қидирув эълон қилingan.

Кечмиш гилдираси эса, ҳамон тиним-сиз айланади. Ана шу тариқа кунларни қувлаб, ҳафталаб, ойлар, йиллар ўтди. Ёт элларда умугзаронлик қилаётган Ра-жабовлар оиласи фарзандлари 6 на-фарга етди. Оила узоқ Хоразмда қол-ган яқинлари билан алоқани тиклади. Шундан сўнг аввалги Азаматнинг отаси Б.Ражабов, кейинчалик умр йўл-дошининг отаси И.Оллоберганов билан ҳузурига келишди. Бир муддат бирга яшаб, Ватанга қайтиш чоралари, йўл-йўриқларини излашди.

Ана шундай кунларнинг бирида юрт эшиклари гўёки ўзининг ноқобил фар-занди учун очилгандай бўлди.

Арафада Эрон миграция хизмати то-монидан қўлга олиниб, турмага ташлан-ди. Муҳожирнинг бир неча ойлик ҳаёти ана шу масканда кечди. Шу вақт ичидеа уни ўз юртига жўнатиш чоралари кўри-лди. Бу воқеа 2017 йилнинг ноябрь ойи-да содир бўлди.

Азамат тушган самолёт Техрондан учи-б Тошкент халқаро аэропортига қўнди. Бироқ зикр қилингандек, Ватан хонига қучоқ очмади. Уни халқаро нор-ма талабларига мувофиқ эртаси кунёқ

пайта уни Ватанда суд жавобгарлиги жараёни кутаётгани, башарти, мамла-катга қайтса, қонун сўровига дуч кели-ши ва жозоланиши мумкинлиги ҳақи-да ҳам оғохлантиришди. Азамат икки йўлдан бирини тандлади, ватангадолик-дан кўра жазони афзал билди. Қўйилган шартга рози эканлигини баён этди.

...Азаматни бағрига олган самолёт 2019 йил 12 декабрь кун Тошкентга қўнди. Аён бўлганидек, уни бола ҳу-қуқни муҳофаза қилувчи идоралар хо-димлари кутиб олди. Ўзга элларда ал-лақачондан буён жўркан қилмишининг аччиқ ажрини татиб келаётган Азамат ниҳоят қонун сўровига ҳам дуч келди.

У тергов органи томонидан ўзига нис-батан қўйилган айб: Жиноят кодекси-нинг ёвуз мақсадлар йўлида ёлланмишга оид 154-моддаси 1-қисми, мавжуд кон-ституциявий тузумга таъовуз қилишга доир 159-моддаси 3-қисми "а" ва "б" бандлари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки киришга тааллуқли 223-моддаси 2-қисми "б" ва "в" бандлари, тақиқланган ташкилотларни тузиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этганлик-ни назарда тутувчи 244-2-моддаси 1-қисми бўйича қўйилган айбловларга жа-воб берди. Айбини тан олди, унга иқ-дорлик билдирган ҳолда чуқур пушай-монлигини изҳор этди.

Азаматнинг халқ, жамият ва Ватан ол-дидаги жирканч қилмишлари жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан кўриб чиқилди. Бу жараёнда тергов ор-гани тарафидан Жиноят кодексининг юқоридаги моддалари юзасидан қўйил-ган айб ўз тасдиғини топди.

## Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

### Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
Робохан МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

### Набатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй. Манзилы: Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Бюролма: Г-823. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5047. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21%. Топширилди: 22%.